

# МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШНИНГ АҲАМИЯТИ (“НАВОИЙ” ЭРКИН ИНДУСТРИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИ МИСОЛИДА)

Умирзоков Жабсур Артиқбоевич  
Ахунова Шахло Абдуматаловна

Тошкент молия институти талабаси (Тошкент шаҳри)


**Abstract.** This study analyzes the major development trends in terms of zone configuration, development, management, and regulation approaches, and identifies good practices. It evaluates the overall economic performance of zones in light of these changes, and assesses the relationship of zones and economic reform efforts. The ultimate goal is to draw out lessons and implications that will enable policymakers to design and facilitate zone development that maximizes benefits to their host economies.

The proximity of the Navoi Free Industrial Economic Zone (Navoi FIEZ) to the transcontinental intermodal hub at Navoi city airport is FIEZ's most important success element. The hub began operations on January 1, 2009 and is managed by Korean Air, a world leader in air transportation and cargo.

Located along the world's most important crossroads of automobile, railway and aviation routes, the Navoi city airport connects Southeast Asia with Central and East Asia, the Middle East, and the European continent. Regular flights connect Navoi city to Asian and European metropolises such as Bangkok, Frankfurt, Milan, New Delhi and Singapore.

**Keywords:** foreign investments, modernization, investment policy, investment potential, free economic zones, "Navoiy" free industrial and economic zone, logistics centers and offshore regions, industries, leasing, factoring, franchising

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, янги ва кўшимча саноат соҳаларини ишга тушириш, саноат объектларини илғор ва замонавий техника ва технологиялар билан таъминлашда хорижий инвестицияларнинг ўрни муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Мамлакатимизнинг салоҳияти, қудрати ва иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган муҳим устувор йўналиш асосий етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб боришдан иборат”[1]. Муваффақиятли инвестицион сиёсат олиб борган давлатлар (Сингапур, Тайван, Гонконг, Жанубий Корея, Хитой) тажрибаси шуни кўрсатадики, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини оширишда эркин иқтисодий ҳудудлар (ЭИХ), эркин саноат зоналар (ЭСЗ), логистика марказлари ва оффшор ҳудудлар муҳим роль ўйнайди. Бугунги кунда дунё миқёсида 3000 дан ортиқ эркин иқтисодий зоналар фаолият юритиб, уларда 67 миллиондан ортиқ аҳоли иш билан таъминланган.




ЭИХларнинг дунё минтақалари бўйича тақсимоти[2]

Ўзбекистонда истиклол йилларида мавжуд инвестицион потенциалдан (бой табиий ресурслар, ар-зон ва малакали ишчи кучи, тўйинмаган бозор) унумли фойдаланган ҳолда самарали инвестицион сиёсат олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганларидек, “Мамлакатимизда яратилган ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш борасида ҳам ишга солилмаган улкан имкониятлар мавжуд. Биз ишлаб чиқаришни янгилаш ва модернизация қилиш учун қатта маблағ сарфлаймиз, кўп миқдордаги хорижий инвестицияларни жалб этамиз”[3]. Бу борада, биринчи навбатда, хорижий инвесторларнинг эркин фаолият олиб боришлари учун кўплаб имтиёзлар ва преференцияларни кафолатловчи қонунчилик базаси яратилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг **“Чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”**ги, **“Чет эл инвестициялари тўғрисида”**ги ва **“Инвестиция фаолияти тўғрисида”**ги Қонунлар қабул қилинди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони (2012 йил 12 апрел, ПФ-4434-сонли) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 205-сонли (2003 йил 2 май) қарорларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Энг асосийси, Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелдаги “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, Навоий эркин иқтисодий-индустриал, Жиззах махсус индустриал зоналари, Ангрен логистика марказларининг ташкил этилиши мамлакатимизга хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қўшимча имкониятлар яратди. Ушбу ташкил этилган махсус зоналар хорижий инвесторларга қўшимча имкониятлар яратиши билан бирга мамлакатимизда янги ва қўшимча саноат тармоқларини жорий қилиш, янги иш ўринлари яратиш, рақобатбардош экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ўз фаолиятини олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони асосида ташкил этилган “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси Навоий вилоятининг Кармана туманидаги 500 гектарли ер участкасида жойлашган.



*Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига жалб қилинган хорижий инвестициялар динамикаси[4]*

“Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зона бир қатор ижобий омилларга кўра, Кармана туманида жойлаштирилган. Хусусан, тумanning географик жиҳатдан қулайлигини Осиё ва Европа қитъаларини боғлаб турувчи ҳаво, темирйўл ва автомобил йўлларининг мавжудлиги, халқаро транспорт коридорининг мавжудлиги ва ушбу коридор орқали Марказий Осиё мамлакатларининг Афғонистон, Эрон, Яқин ва Ўрта Шарқ, Осиё Тинч океани минтақаси, Россия ва Болтиқбўйи мамлакатлари портларига чиқиш имкониятига эгаллиги каби омиллар билан изоҳлаш мумкин.[5] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 27

январдаги 21-сон Қарори асосида тасдиқланган “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси тўғрисидаги Низомга мувофиқ, ушбу зонада махсус ҳуқуқий режим, шу жумладан солиқ, валюта ва божхона режимлари, Ўзбекистон Республикаси норезидентлари бўлган фуқароларнинг кириши, бўлиши ва чиқиб кетишининг, шунингдек меҳнат фаолиятини амалга оширишга рухсатнома олишининг соддалаштирилган тартиби амал қилади. Замонавий хорижий юқори унумли асбоб-ускуналар ва техникани, технологик линиялари ва модулларни, инновацион технологияларни жорий этиш ҳисобига юқори технологияли, жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотларнинг кенг доирасини ишлаб чиқариш “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зона фаолиятининг асосий йўналиши ҳисобланиб, фаолият кўрсатиш муддати 30 (ўттиз) йилни ташкил этиб, ушбу муддат кейинчалик узайтирилиши мумкин.

Ушбу зонада рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектларга бир қатор имтиёзлар белгиланган. Хусусан, киритилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдориغا қараб, тадбиркорлик субъектлари бир қанча муддатга ер, мулк, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиқлари ва бошқа қатор мажбурий тўловлардан озод этилган. Ушбу имтиёзлар киритилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмининг қуйидаги миқдорлари учун белгиланган муддатларга амал қилади:

3,0 млн. евродан – 10,0 млн. еврогача – 7 йилга;

10,0 млн. евродан – 30,0 млн. еврогача – 10 йилга. Кейинги 5 йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ҳажми амалдаги ставкадан 50% миқдорида белгиланади;

30,0 млн. евродан ортиқ бўлганда – 15 йилга. Кейинги 10 йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ҳажми амалдаги ставкадан 50% миқдорида белгиланади.

2015 йил 1 октябр ҳолатига Навоий вилоятида рўйхатдан ўтган хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар сони 55 тани ташкил этади. Шундан, ҳудудлар кесимида Навоий шаҳрида 18 та, Зарафшон шаҳрида 4 та, Кармана туманида 23 та, шундан **“Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида 18 та**, Конимех, Навбахор ва Қизилтепа туманларида 2 тадан, Нурота, Томди, Учқудуқ ва Хатирчи туманларида 1 тадан хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар мавжуд. [6]

2010 йилнинг август ойидан бошлаб ўз фаолиятини бошлаган “Навоий” халқаро аэропортида ташкил этилган халқаро юк терминали “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси лойиҳасининг муваффақиятида муҳим аҳамият касб этмоқда. Жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган технологияларидан фойдаланилаётганлиги, ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам 1000 тоннадан ортиқ юкларни сақлаш ва қайта ишлаш имкониятига эга бўлиб, самарали тарзда экспорт, импорт ва транзит юкларга хизмат кўрсата олади. Жанубий Кореянинг “Korean Air Co” ҳаво йўллари ҳамкорлигида ташкил этилган халқаро логистика марказининг ривожлантириш йўналишлари 3 босқичга мўлжалланган бўлиб, 1-босқичда (2009–2010 йй.) қулай инфратузилмани барпо этиш, 2-босқичда (2011–2013 йй.) фаолият йўналишини кенгайтириш, 3-босқичда (2014–2018 йй.) ушбу логистика марказинининг тўлақонли фаолиятини таъминлашдан иборатдир. 2010 йилда логистика маркази томонидан 11 та йўналиш бўйича, жумладан, Бангкок, Бомбей, Брюссель, Дакка, Дехли, Дубай, Сеул, Истамбул, Милан, Франкфурт, Шанхай шаҳарларига юк ва йўловчи ташиш қатновлари йўлга қўйилди. 2011 йилдан эса 7 та йўналиш (Олма-ота, Боку, Бишкек, Техрон, Ханой, Ченду, Сарагоса) бўйича доимий қатновлар йўлга қўйилди.


“Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси юридик кучга киргандан бошлаб ҳозирги давргача 111, 7 млн. АҚШ долларига тенг инвестицион лойиҳаларни амалга оширилиши белгиланган бўлиб, 2013 йил 1 август ҳолати бўйича ушбу инвестицияларнинг 88,7 млн. АҚШ доллари ўзлаштирилди. [7]

“Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасига жалб этилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига ўз маҳсулотини экспортга йўналтирувчи корхоналар фаолиятининг самараси сабабли Навоий вилоятининг ташқи савдо айланмаси тобора кенгайиб бормоқда.

**Навоий вилоятининг 2015 йилдаги ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркибини[8]**

Қолаверса, Навоий вилояти ва эркин иқтисодий ҳудуд жойлашган Кармана туманининг иқтисодий салоҳиятининг йилдан-йилга юксалиб боришини кўриш мумкин. Жумладан, 2000

йилдан 2013 йилга қадар Навоий вилояти миқёсида маҳсулотлар ва хизматлар экспорти ҳажми 1716,7 фоизга ошиб, 1,8 минг АҚШ долларидан 30,9 млн. АҚШ долларига етди.



Бундан ташқари, “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида “UZHONGKONG” хорижий корхонасида телевизор, телефон ва планшетлар, ноутбук ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилиши режалаштирилиб, қурилиш ишлари олиб борилмоқда. 2015 йил ойлигида корхона томонидан 1056,4 минг долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Ушбу корхонага Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 14 майдаги 333-Ф сонли фармойиши асосида ўз эҳтиёжи учун чет давлатдан олиб келинадиган қурилиш материалларига импорт божидан имтиёз берилди. [9]

Юқоридагилар асосида айтиш мумкинки, эркин иқтисодий ҳудудлар ҳисобига Республикаимизнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш учун куйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш ўзининг ижобий самарасини беради, деб ҳисоблаймиз:

- инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан миллий маркетингларимиз томонидан маркетинг тадқиқотларини турли омиллар таъсирини инобатга олинган ҳолда олиб боришни янада ривожлантириш;
- инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг ноқредит усулларида бўлган лизинг, факторинг, франчайзинг операцияларидан кенг фойдаланишни кенгайтириш;
- Республикаимизнинг нуфузли университетлари негизида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишга қаратилган илмий тадқиқот инновацион марказлар ташкил этиш;
- мамлакатимиздаги юқори ишлаб чиқариш потенциалига ва ривожланган инфратузилмаган эга бўлган Андижон, Наманган, Фарғона ҳудудларида эркин иқтисодий экспорт зонасини ташкил этиш.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Асосий вазифамиз - ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – б. 65.
2. Special Economic Zones: Global Experience and Best Practices. 2014
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.
4. Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларидан
- 5, 7. Феруза Халилова “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасига хорижий инвестицияларни жалб этишни такомиллаштириш Сборник статей слушателей, профессорско-преподавательского состава Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан . Круглый стол: «Вопросы модернизации системы государственного управления», г.Ташкент 1 ноября 2013 года, 134-бет
- 6, 8, 9. <http://www.navoi.uz>